



№4
2024



ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIYASÍ
NÓKIS FILIALÍ

MUSIQA VA SAN'AT AXBOROTNOMASI | ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА | BULLETIN OF MUSIC AND ART

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSÍ

ILIMIY - METODIKALÍQ JURNAL



**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ
BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR
MINISTRILIGI
ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ MÁDENIYAT
MINISTRILIGI
ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK KONSERVATORIYASÍ
NÓKIS FILIALÍ**

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER XABARSHÍSÍ
Ilimiy-metodikaliq jurnal

MUSIQA VA SAN'AT AXBOROTNOMASI
Ilmiy-uslubiy jurnal

ВЕСТНИК МУЗЫКИ И ИСКУССТВА
Научно-методический журнал

BULLETIN OF MUSIC AND ART
Scientific-methodical journal

№ 4/2024

SHÓLKEMLESTIRIWSHI:

Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filiali

Bas redaktor: – Allanbaev Rudakiy, professor

Juwaplı xatker: – Kamalova Difuza, *filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori, docent.*

REDKOLLEGIYA AĞZALARI:

OZODBEK NAZARBEKOV – Ózbekstan Respublikası Mádeniyat ministri, professor;

AZIZBEK TURDIEV – Ózbekstan Respublikası Oliy Majlis Senatının jaslar, mádeniyat hám sport máseleleri komiteti baslıǵı orınbasarı, filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD);

BEGIS TEMIRBAEV – Qaraqalpaqstan Respublikası Mádeniyat ministri, docent;

KAMOLIDDIN URINBAYEV – Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası rektori, docent;

OMONILLA RIZAEV – kórkem ónertanıw ilimleriniń kandidati, professor;

HIKMAT RAJABOV – professor;

ORAZALI TOSHMATOV – professor;

BAXT AZIMOV – pedagogika ilimleri kandidati, docent,

MUHABBAT TOLAXOJAEVA – kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, professor;

MARFUA XAMIDOVA - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, professor;

BOLTABOY SHODIYEV - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori;

OZODA TOSHMATOVA - kórkem ónertanıw ilimleriniń doktori, professor;

SAYYORA ĞAFUROVA – professor;

OYDIN ABDULLAEVA – professor;

IRODA MIRTALIPOVA – kórkem ónertanıw ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD);

PARAXAT MAMUTOV – kórkem ónertanıw ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD);

QURBANBAY JARIMBETOV – filologiya ilimleriniń doktori, professor;

ALIMA BERDIMURATOVA – filosofiya ilimleriniń doktori, professor;

ZIYADA BEKBERGENOVA – filologiya ilimleriniń doktori (DSc), professor;

ALIMA PIRNIYAZOVA – filologiya ilimleriniń doktori (DSc);

YUSUPOV QONÍSBAY – pedagogika ilimleriniń doktori (DSc), professor;

UTEBAEV TAJIBAY - pedagogika ilimleriniń doktori (DSc), professor;

SEYTKASIMOV DAULETNAZAR - pedagogika ilimleriniń doktori (DSc);

ARTÍQBAY EREJEPOV – pedagogika ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD), docent;

JAÑABAY MARZIYAEV – filologiya ilimleri boyınsha filosofiya doktori (PhD), docent;

Jurnal qaraqalpaq, ózbek, rus hám ingliz tillerinde jılına 2 márte basıladı. Jurnal Ózbekstan Respublikası Prezidenti Administraciyası janındaǵı Málimleme hám ǵalaba kommunikaciýalar agentligi tárepinen mámleketlik dizimnen ótkerilgen. №047569 4-oktyabr, 2022-jıl.

Ózbekstan Respublikası Joqarı Attestaciya Komissiyasınıń 2024-jıl 30-iyuldaǵı 358-sanlı qararı tiykarında jurnal 17.00.00-Kórkem ónertanıw ilimleri jónelisi boyınsha dissertaciya nátiyjelerin baspadan shıǵarıw ushın arnalǵan jetekshi ilimiy jurnallar qatarına kiritilgen.

Redaksiya mánzili: Ózbekstan mámleketlik konservatoriyası Nókis filiali Turan oypatı 29-jay.

E-mail: ozdknf@edu.uz, UZDK_Nukus@exat. Tel:551020540 Veb-sayt: <https://science.uzdknf.uz/>

ISSN-2181-4112

JÁMIYETLIK-GUMANITAR PÁNLER

**ЗАМОНАВИЙ ҚОРАҚАЛПОҚ ЛИРИКАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ
ТАМОЙИЛЛАРИДА ШЕЪР КОМПОЗИЦИЯСИ**

Тлеуниязова Г.Б.

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон
бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти*

Аннотация: Мақолада қорақалпоқ шеърлятида кечаётган жараёнлар, тараққиёт тамойиллари, хусусан, асар композициясига оид хусусиятлари таҳлил қилинади. Адабий жараёндаги ўзгаришларда мамлакатнинг тарихий-сиёсий ҳаётида юз берган ижтимоий-сиёсий ҳолатлар, бутунжаҳон глобал интеграциялашиш жараёнининг таъсири ва шоирларнинг индивидуал изланишлари асосий фактор бўлганлиги белгилаб берилган. Композиция бадий яхлитликни таъминловчи асосий категорияларнинг бири сифатида асарни мазмун ва шакл жиҳатидан ташкиллаштиришда ўзининг ички қонуниятларига эгаллиги, шунинг учун қорақалпоқ лирикасида шеър композиция ривожланишида умумий асар композициясининг ушбу қонуниятларига мос такомиллашиб бориши, бунда шеър композицияси ҳар бир шоирнинг индивидуал изланишларига нисбатан ўзгаришга учраши ҳақида хулосага келинган.

Калит сўзлар: Ҳозирги қорақалпоқ лирикаси, шеърнинг ривожланиш тамойиллари, композицияси, шеър тузилиши.

Аннотация: В статье анализируются процессы и принципы развития каракалпакской поэзии, особенности композиции произведения. Определено, что общественно-политические условия, возникшие в историко-политической жизни страны, влияние глобального интеграционного процесса и отдельных изысканий поэтов были основными факторами изменений в литературном процессе. Сделан вывод, что композиция как одна из основных категорий, обеспечивающих художественную целостность, имеет свои внутренние закономерности в организации произведения по содержанию и форме, поэтому в развитии поэтической композиции в каракалпакской лирике Композиция общего произведения совершенствуется по этим законам, по которым меняется композиция стихотворения по отношению к отдельным изысканиям каждого поэта.

Ключевые слова: Современная каракалпакская лирика, принципы развития, композиция, структура стихотворения.

Abstract: The article analyzes the processes and principles of the development of Karakalpak poetry and the features of the composition of the work.

It was determined that the socio-political conditions that arose in the historical and political life of the country, the influence of the global integration process and individual research of poets were the main factors of changes in the literary process. It is concluded that composition, as one of the main categories that ensure artistic integrity, has its own internal laws in the organization of the work in terms of content and form, therefore, in the development of poetic composition in Karakalpak lyric poetry, the composition of the overall work is improved according to these laws, according to which the composition of the poem changes in relation to the individual researches of each poet.

Keywords: Modern Karakalpak lyric, the development principles, composition, structure of the poem.

Кириш. Дунё адабиётшунослигида бадий асар талқинида вужудга келган янгиланишлар поэтик тарх ўлчамлари, лирика компонентлари интизоми, тасвир руҳияти ва ифода мустақиллиги алоқаси, адабий ривожланиш қонуниятлари ҳамда эстетик тамойилларини янгича идрок усулида ўрганишни ҳаётий заруратга айлантирди. Айнан поэтик тафаккурда янги таомиллар ва ифода услуби синтезини композицион изланишлар вужудга келтиради, назмда матн композицияси интизоми, ички ҳамда ташқи омиллар муносабати, усул ва ижодкор фитрати бирикуви муаммо салмоғи ортишига олиб келади.

Асосий қисм: Миллий шеърятнинг ривожланиш тенденцияларига эътибор қаратганимизда, мазмун ва шаклнинг, услубнинг узлуксиз такомиллашиб боришини кузатамиз. Бу борада асар композицияси ҳам мазмунга, ҳам шаклга доминантлиги жиҳатидан маълум даражада тараққиёт тамойилларини намоён қилди. Миллий истиқлол даври адабиётшунослигида лирика образлилик ҳамда бадийлик мезонлари асосида муайян даражада назарий умумлаштирилган. Аслида маъно бадийлик даражасини формал муносабатлар тайин этади. Шу жумладан, қорақалпоқ адабиётшунослигида ҳам лирик ифода композицияси ҳануз-ҳанузгача батафсил ўрганилмаган.

Мустақиллик йилларидаги қорақалпоқ лирикасидаги композицион изланишларини тадқиқ қилиш қўйидаги масалаларга ойдинлик киритишга хизмат қилади:

бадий композициянинг лирик асарларда такомиллашуви, бошқа адабий тур асарлар композицияси билан типологияси, лирик композициянинг ички бирликлари, поэтик қонуниятлари;

лирик асарларда образлар системаси, мотивлар, макон ва замон, конфликт ва сўз типларининг композиция сатҳидаги хоссалари ушбу турнинг специфик хусусиятлари;

мазмунни поэтик ифодалашнинг анъанавий ва уч қисмли тузилиши ҳамда шеърнинг ташқи композициясининг шаклланиш хусусиятлари;

қорақалпоқ шоирларининг лирик асар композициясида такрор, ёнма-ён қўйиш, қарама-қарши қўйиш, кучайтиш, монтаж усуллари ва очиқ, халқали, занжирли, бурама, амебей, ойнабанд типларини қўлланиш маҳорати ҳамда муаллиф ижодий индивидуаллиги;

ўрганилаётган давр қорақалпоқ лирикасида ички ва ташқи композициянинг бадиий-эстетик аҳамияти;

лирик асарлардаги композицион усулларнинг бадиий функциялари билан боғлиқ илмий-назарий қарашлар;

лирик асар композицияси муаллифнинг ижодий ниятининг меваси эканлиги, индивидуал поэтик изланишлари етакчилиги ва ҳакозо.

Композиция бадиий асарни бутунлик сифатида муайян ғоявий-эстетик тамойилга йўналтириб ташкил этадиган категория сифатида «ҳар доим кўзга кўринмайдиган, муаллифнинг табиий уйғунликни англаш табиатига боғлиқ, эрксиз, ғайритабиий пайдо бўладиган нарсдай кўринган», [10:209] «адабий асарнинг шаклининг бир томони: тасвирланаётган компонентларнинг ва бадиий сўз бирликларининг ўзаро мослиги ва жойлашиши» [8:387] ҳисобланади.

Адабий композиция, хусусан шеър композицияси бўйича Аристотель, Форовий, Алишер Навоий, Н.Буало, Б.А. Успенский сингари мутафаккирлар томонидан дастлабки фикрлар шакллантирилган бўлса, лирик композиция, унинг ўзига хос хусусиятлари жаҳон адабиётшунослигида кенг тадқиқ қилиниши, назарий асослари яратилиши XX асрнинг ютуғи ҳисобланади. Хусусан, рус адабиётшунослигида лирик композициянинг тадқиқи бир нечта аспектларда амалга оширилди. В.М. Жирмунский, Б.М. Эйхенбаум, Б.В. Томашевский ва бошқа олимлар лирик асар композициясини шаклий жиҳатдан тадқиқ қилдилар. Иккинчи концепция тарафдорлари семантик нуқтаи назарни устун қўйди. Улар композициядаги мавзунинг ҳаракати ва мотивларни адабий асарнинг маркази ҳисобладилар. 1970-1980 йилларда эса ушбу икки концепцияни бирлаштириб, лирик асар композициясини образли-тематик ва шаклий бирлик сифатида ўргана бошладилар. Бу борадаги тадқиқотларда шеър композицияси шакл ва мазмуннинг диалектик узвий қисми сифатида тушунтирилади.

Туркий халқлар адабиётшунослигида лирик асарлар композициясининг алоҳида тадқиқ қилиниши ўтган асрнинг 70-80 йилларидан бошланди. Жумладан, ўзбек адабиётшунослигида Жамол Камол лирик асар композицияга оид махсус тадқиқотида лирик композиция тушунчасини «мазмуннинг, поэтик ғоянинг аниқлиги, ҳаққонийлиги, эмоционаллиги ва шу

поэтик ғояға нисбатан қисмлар ва образларнинг мувофиқлиги даражаси, тасвир меъёри ва жойлашиш мутаносиблигидир» [2:291-310] дея тасдиқлайди. «Адабий турлар ва жанрлар» [1] асарининг 2-жилдида ҳам лирик композициянинг бадий бирликлари, бошқа турлар композициясидан фарқи масалалари лирик жанрлар таркибида аниқланади. Ўзбек халқ кўшиқларининг композицияси Д.Ўраеванинг, Р.Носировнинг тадқиқотларида ўрганилган ва халқ кўшиқлари жанрларининг композицион хусусиятлари сўз этилган. Булардан ташқари ўзбек адабиётшунослигида Иззат Султон, М.Кўшжонов, Д.Куროнов, К.Ҳамраев ва бошқа олимларнинг адабий композиция масалалари ҳақида муҳим фикрлари мавжуд.

Бошқурд адабиётчиси К.А.Ахмедьянов композициянинг умумийлик қонуниятларини поэмалар асосида талқин қилади ва лирик композициянинг банд тузилиши билан боғлиқ масалаларини ўрганади.

Қозоқ адабиётшунослигида лирик композиция махсус тадқиқ қилинмаган бўлса ҳам, З.Қабдолов, З.Ахметов, Қ.Жумалиев ва бошқаларнинг тадқиқотларида адабиётнинг назарий масалалари, лириканинг ўзига хослиги, шакли, шеър тузилиши тўғрисидаги илмий қарашларида лирик композициянинг баъзи масалалари билан, З.Қабдолов тадқиқотида шоир Қадир Мирзалиевнинг поэтик маҳорати масаласи билан биргаликда талқин қилинган [7].

Қорақалпоқ адабиётшунослигида лирик композиция масалалари лирик асарларнинг ҳар хил назарий масалаларига оид тадқиқотлари таркибида ўрганилди. Хусусан, Қ.Жаримбетов лирик жанрлар аспектида, Б.Генжемуратов ва А.Досымбетовалар бадий тасвир усулларини ўрганишда, Д.Пахратдинов тўртлик жанрининг табиатини таркибида, Қ.Оразымбетов, У.Гайлиевалар бадий шаклнинг элементи сифатида, Қ.Байниязов, А.Пирназаров, З.Бекбергенова, Ж.Мақсетовалар шоирларнинг ижодий стили ва маҳорат масалаларини тадқиқ қилган илмий ишлари таркибида, Қ.Муратбаев, Қ.Оразымбетов ва М.Мамбетовалар шеър тузилиши масаласига оид тадқиқотлари таркибида, К.Худайбергеновнинг тадқиқотида лирик композициянинг у ёки бу компонентлари лирик турнинг спецификаси, лирик конфликт ҳақидаги илмий фикрлари доирасида сўз қилинди.

Лирик композиция «туйғу ва ўй-хаёлларини тасвирлашнинг изчиллиги, сўзларни танлаш ва жойлаштириш, сўзларни, фразаларни, синтактик конструкцияларни такрорлаш, нутқ услуби, бандларга ажратиш ёки уларнинг бўлмаслиги, сўз оқимини мисраларга ва синтактик тузилишга ажратишнинг ўзаро муносабати, шеър вазни, товуш қуроллари, қофияланиш усуллари, қофия табиати» [11:7] ҳисобланиб, лириканинг табиатидан келиб чиқиб сюжет, конфликт, образ, мотив, макон ва замон каби адабий категориялар у

ёки бу даражада иштирок этиши натижасида лирик асар композициясининг ўзига хослигини таъминлайди.

Адабий композиция ва лирик асарлар композицияси ҳақидаги назарий материалларни ўрганиб, лирик композициянинг тамойиллари қуйидагича белгиланди: 1. *Ижодкор ниятининг етакчилиги тамойили*. Шеър композициясини танлашда муаллифнинг бадиий ижодкорлик нияти, поэтик маҳорати асосий ўринни эгаллайди. Чунки, «ҳар бир шеър, ишлатиладиган турли усуллардан қатъий назар, ўзига хос композиция билан туғилади» [Адабий 45]. Демак, ҳар бир шеър композициясининг «туғилиши» уни ёзган муаллиф танлаган поэтик ғояси, шакли ва усуллари, дунёқарашининг уйғунлашишига боғлиқ бўлади. 2. *Лирик асар компонентларининг ўзаро боғлиқлиги ва мослиги тамойили* даставвал ғоянинг асарнинг биринчи мисрасидан то охиригача қандай ривожланганлигини аниқлашга ва уларни жойлаштиришдаги муаллифнинг бадиий ниятини тушунишга ёрдам беради. Бунда шеърнинг бандларга бўлиниши, бандларнинг мантикийлиги эътиборга олинади. 3. *Лирик асар тузилишининг бадиий яхлитлиги тамойили* шеърнинг бутун тузилишининг моҳиятини англашга ёрдам беради ва ўз навбатида жанрни аниқлаштиришда ҳам қўлланилади.

Лирик композициянинг бирликлари сифатида образ (тематик образ), шеър тузилишининг элементлари ҳисобланган вазн, банд, ритм, қофия, мисра, интонация ва бадиий тасвирлаш усуллари, шунингдек, эпик ва драматик турларга ҳам оид бадиий элементлар: муаммо, мавзу, образлар тизими, ғоя, конфликт, сюжет тузилиши, сюжетдан ташқари элементлар, сарлавҳа ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Умумлаштирсак, 1) лирик асар композицияси лирик турнинг табиати ва адабий композициянинг қонуниятларига асосланиши; 2) адабий композиция мазмуннинг етказилишида, макон ва замоннинг тасвирланиш имкониятларида, образ, конфликт, бадиий сўз типларида, тасвирлаш усулларида эпик, драматик, лирик турларнинг табиатига нисбатан фарқланиши; 3) фақат лирик турнинг ўзига хос бўлган банд ва мисраларга бўлиниш хусусияти ва тасвирлашдаги субъективлилик, умумийлик, медитациянинг етакчилиги лирик композициянинг асосини ташкил этиши; 4) унинг принциплари шу турнинг бадиий функцияларига асосланиши; 5) лирикада мазмун композицион усуллар орқали етказилиши маълум бўлади.

Лирик композицияни семантик аспектда тадқиқ қилувчи олимлар [Кожинов] мазмуннинг ифодаланиш хусусиятига қараб учта қисмли: бошлаш, тадбиқ қилиш, хулоса (терминлар шартли тарзда олинди. – Т.Г.) ва фикрнинг берилишининг тезис – антитезис – синтез шаклида ташкил топишини тасдиқлайди. Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида уч қисмли

композицион тузилишнинг бошлаш қисмининг сарлавҳа, риторик, ундалма, савол мазмунидаги турлари учрашади. Уч қисмли композицион тузилиш лириканинг жанрларига боғлиқ хусусиятларга эга бўлади: пейзаж лирикасида учта қисм бир-бирига ўхшаш вазифани бажаради; ватанпарварлик руҳидаги шеърларда риторик хусусиятлар билан кўтаринки, салтанатли туйғуларни беради; фалсафий шеърларда фикр оқими бир текис; муҳаббат лирикасида ҳиссиётлилиқнинг устуворлиги; юмор-сатира шеърларда фикр оқимининг тезлиги, ўйноқлилиги кўзга ташланади. Уч қисмли композицион тузилишнинг гоҳида бир қисмининг берилмай қолиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Олти мисрадан турадиган шеърнинг сўнгги икки мисрасида берилган хулоса олдинги тўрт мисрालи бандда ўз ифодасини топади. Бошлаш берилмайди. Муаллиф бевосита якунловчи фикрни тушунтиришга ўтиб кетади. Бундай қилиб уч қисмли композициянинг фақат охирги икки қисмидан фойдаланиб тузилган композициядаги шеърлар кўпинча анафора ёки радифли шеърларда учрайди. Чунки, такрорланиб келган бир хил сўзлар асосий ташкил қилувчи марказ бўлиб, бошқа фикрлар бир-бирига параллель тарзда ўша марказга ташкиллашганидан, кўпчилик вақтда бундай шеърларда бошлаш қисми бутунлай тадбиқ қисмига ўтиб кетади ва у якунловчи қисм билан мантикий боғлиқликка эга бўлади.

Қисқа ҳажмли лирик шеърларда (учлик, тўртлик, рубой) композициянинг уч қисмли тузилиши банд доирасида аниқланади.

Кўпчилик олимлар томонидан лирик шеърдаги мазмунни етказиб беришдаги тезис – антитезис – синтез усули ҳам асосан банд таркибида, камдан-кам ҳолатда бутун шеър бўйича аниқланади. Бу айниқса, икки ва уч мисрालи бандларда, учликларда, тўртликларда, фольклор намуналарининг синтези ҳисобланган терма ва тўлғов шаклидаги шеърларда учрашади.

Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида наср тилида ёзилган лирик асарлар ҳам учрайди. Уларда лирик шеър композициясидаги мазмунни етказиб беришнинг уч қисмли шакли: бошлаш, тадбиқ қилиш, хулоса қисmlари бўлиши билан бирга, мумтоз шеърят намунасидаги тезис – тезис– антитезис – синтез шаклидаги композиция тўлиқ сақланмайди. Бу шаклдаги шеърларда ички композицияда энг аввало, етакчи кечинмани аниқлаш; 2) шу кечинмани етказиб беришдаги композицион тузилишнинг уйғунлигини, унинг берилган фикрларни ифодалашга бўйсиндирилганлигини аниқлаш; 3) шеърда ифодаланган лирик ҳолатни ва унинг негизидаги ҳаётий вазиятни аниқлаш; 4) поэтик асарни асосий қисmlарга ажратиш, яъни уларнинг муносабатларини кўрсатиш, қайси қисм муҳим аҳамиятга эгаллигини аниқлаш; 5) гапларнинг ёки синтактик конструкцияларнинг ўзаро қалай боғланганлигини аниқлаш. Бунда асосан банддаги мисралар эмас, балки, ҳар

бир гап якунланган фикрни билдиришини ёки гапда асосий фикрнинг қисмларининг очилиб берилишини, гапларнинг мазмуни қайси композицион усуллар ёки ёрдамчи композицион бирликлар билан етказилиб берилганлигини аниқлаш талаб қилинади.

Лирик асарнинг ички композициясида пейзаж ва тушнинг аҳамияти катта. Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида пейзаж 1) лирик қаҳрамоннинг ички руҳиятининг табиат манзарасига қарама-қаршилигини; 2) ички кечинмалари ва ҳис-туйғуларининг табиат манзараси билан мослиги натижасида унинг руҳиятини ифодалаш, шунингдек, образли тасвирлаш учун қўлланилади.

Лирик асар композициясида туш лирик қаҳрамоннинг психологик тавсифи тариқасида, шунингдек, асарнинг ғоявий мазмунини етказиб бериш учун қўлланилади. Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида туш икки хил композицион вазифани бажаради: 1) туш барча икир-чикиригача тасвирланади ва ўқувчи уни интерпретациялаш учун изланади; 2) туш фақат таърифланиб, фикрнинг ярми очик, яъни муаллиф томонидан тушунтирилган, ярми туш орқали англашилади. Тушда замоннинг ҳам, маконнинг ҳам чегараси чекловсиз бўлади. Натижада, фикрни етказишда бошқа бир маконлар шу ернинг ўзида (*«Боғи Эрам каби гайри юртларда, шўрлаган бир элат тушимга кирар»* [4:16-17]), неча минг асрлар олдинги воқеа ҳозир билан тўқнашади. Шунинг учун, туш орқали фикрни етказиб бериш лирикада ниҳоятда аҳамиятли усулларнинг бири.

Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида барқарор бандли тузилишга эга икки, уч, тўрт, беш, олти, саккиз ва ўн қаторли бандли тузилиши билан бирга, барқарор бандли тузилишга эга бўлмаган 18, 22, 26 ва б. мисрали бандлар аралашиб қўлланилган шеърлар, шунингдек, энг қисқа: битта туроқдан иборат, уч бўғинли тўрт сатрли шеърлар билан бирга, энг узун: 5-6 туроқли 22 бўғинли шеърлар учрашади.

Тўрт мисрали банд шакллариининг орасига қора сўз оралашиб қўлланиладигин тури ҳам кузатилади. Назм билан насрни бирга қўллаш дастури қорақалпоқ халқ достонларининг таъсири бўлиши билан бирга, муаллифнинг бадиий ниятига ҳам боғлиқдир. С.Ибрагимовнинг «Балки – бу умримда минг биринчи тун...» туркумида, Б.Генжемуратовнинг «Учинчи одам» шеърида, Х.Даулетназаровнинг «Сингилларимга» асарларида шеър орасида берилган наср лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини таъсирчан етказиб бериш учун қўлланилган. Баъзи шоирлар лирикасида (И.Юсупов ижодида) насрдан асосан сюжет қатнашган шеърларда фойдаланилган ва унда наср сюжетни беришда ёки шеърнинг кириш қисми сифатида қатнаштирилиб, қолган бандли қисмларида лирик қаҳрамоннинг шу воқеага боғлиқ ички туйғулари тасвирланади.

Қофиянинг композицион вазифаси – шеърнинг чегарасини белгилаб, вазн компонентларини юқори даражада тартиб билан ташкиллаштириши маълум. Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида қофияси заиф бўлган шеърларнинг ҳам Ш.Сейтов, К.Каримов, Ж.Хошаниязов, Ш.Аяпов, К.Реймов, С.Ибрагимов, Б.Генжемуратов, Б.Нурабиллаев каби шоирлар лирикасида учрашиши аниқланди ва уларнинг композициясидаги асосий хусусиятлар сифатида қуйидагилар белгиланди: қофиясиз шеърлар аксарият ҳолларда, эркин (верлибр) вазнли шеърларда кузатилади; қофиянинг ритм пайдо қилувчи вазифасини тuroқ, бўғин сонлари, товуш ва сўз такрорлари, интонация ва инверсиялар бажаради; мисраларга бўлиниш вазифасини мазмунни етказиб берувчи сўзлар бажаради; шеърдаги сўзларда метафорик-рамзий маъно, мавҳумлилик етакчи бўлганлиги боис эмоционал таъсирчанлиги юқори бўлади; ташқи оламини тасвирлашдан кўра инсоннинг ички оламини ифодалашнинг, шаклга нисбатан мазмуннинг етакчилиги устун бўлади.

Лирик асар композицияси лирик жанрларга нисбатан ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Таъкидлаб айтганда, мазмуни бўйича марсия, элегия, инвектива, айтишув, қасида, ода, пейзаж, романс, мадҳия ва б. жанрларда ички композиция мазмуни бўйича, ташқи композицияси эса банд тузилиши билан аниқланади. Шакли бўйича ажраладиган мустазод, сонет, мувашшаҳ, ғазал, рубой, маснавий, фард, верлибр ва мисра сонига қараб аниқланадиган мусаддас, мурабба, мухаммас, мусаллас, мусабба, мусамман, тўртлик, хокку, октава ва б. жанрлар ўзининг барқарор, қатъий ички ва ташқи композицион хусусиятига эга бўлиб, бу уларнинг жанр табиатини ҳам белгилайди. Шунингдек, насрий шеърларнинг ташқи композицияси ҳам уларнинг жанри ва шаклий хусусиятларидан келиб чиқиб, матн тузилиши ва синтактик конструкцияларнинг жойлашишига қараб аниқланади.

Лирик асар сарлавҳаси шеър мазмуни билан боғлиқ бўлади, яъни «шеърый асарларда мавзунинг асосий белгиси ёки мазмуннинг мағзи сарлавҳага кўчирилади» [9:12]. Сарлавҳа ўқувчи билан асарнинг учрашиш макони ва замони [3:193] вазифасини бажаради. Тўғри танланган шеър сарлавҳаси унинг ярим муваффақияти ҳисобланади. Ҳозирги қорақалпоқ лирикасида шеър сарлавҳасининг креативли, референтли, рецептивли турлари учрашади. Сарлавҳада креативли инициатива етакчилик қилганда муаллифнинг бадиий нуқтаи назари, яъни унинг воқеа-ҳодисаларга қараши асар сарлавҳасида кўриниб туриши, референтли йўналиш етакчилик қилганда асарнинг сарлавҳаси унинг қаҳрамонининг исми, воқеа, маълум бир шароит, макон ёки замон билан боғлиқ номланиши, рецептивли сарлавҳаларда образлиликка, метафорик-рамзий тавсифга эга сўз ёки сўз бирикмасидан, гапдан иборат сарлавҳа танланиб, унда ўқувчи томонидан

асар сарлавҳасини англаб етиш қийинлашиши ва ўқувчи муаллиф билан тенг даражада туриб изланиши ойдинлашади.

Хулоса: Ҳозирги қорақалпоқ шеърятининг ривожланиш тенденцияларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлган шоирларнинг композицион изланишларини тадқиқ қилиш қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Бадиий асар – ғоят мукаммал ҳодиса бўлиб, композиция асардаги бадиий компонентларни мазмуни, шакли ва мақсади жиҳатидан муайян ғоявий-эстетик тамойилга бўйсиндириб ташкиллаштиради. Лирик асар композицияси умумий адабий композициянинг қонуниятлари ва лирик турнинг табиати билан боғлиқ юзага келади. Демак, лирик композиция шоирнинг бадиий нияти асосида ўй-фикр етказилиб берилишида мисра ва бандларга бўлиниши, уларнинг бир-бирига боғликлиги ҳисобланади.

2. Лирик композицияга ижодкор ниятининг етакчилиги ва лирик асар тузилишининг бутунлиги тамойилига асосланиб ёндашганимизда ушбу яхлитлик шоирнинг бадиий ниятига бўйсиндирилиши ва унинг индивидуал изланишлари етакчилик қилиши маълум бўлади. Шу нуқтаи назардан лирик композициянинг бадиий яхлитлиги ҳар бир шоир ижодида ўзига хос хусусиятга эга бўлади.

3. Шоирларнинг ҳозирги қорақалпоқ лирикасидаги композицион изланишлари давр билан боғлиқ, ижтимоий ўзгаришларнинг бадиий фикрлаш ва бадиий тафаккурга таъсири нуқтаи назаридан таҳлил қилинди. Қорақалпоқ шоирларининг 1990-2010 йиллардаги композиция қуришдаги ижодий изланишларининг натижаси миллий лириканинг мазмунан ва шаклан, бадиий-эстетик янгиланишига хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Т.: Фан, 1992.

2. Жамол Камол. Лирик шеърятда композиция // Адабиёт назарияси. Икки томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1978.

3. Генжемуратов Б. Ибрайым Юсупов поэмаларында атама поэтикасы / «Эжинияз атындағы НМПИның илим, билимлендирийў ҳәм тәрбия мәселелерин раўажландырыўдағы орны» атамасындағы Республикалық илимий-теориялық конференция материаллары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2010.

4. Ибрагимов С. Жер менен аспанның аралығында. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1990. – Б. 16-17. Литературная энциклопедия. – М.: Интелвак, 2001.

5. Кожин В.В. Теория литературы. Основные проблемы в историческом освещении. Роды и жанры литературы. – М.: Изд. АН СССР, 1964; Гусев В.И. В середине века: о лирической поэзии 50-х годов. – М.: Советский писатель, 1960; Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. – М.: Аспект Пресс, 2002; Сильман Т.П. Заметки о лирике. – Л.: Советский писатель. 1977.
6. Носиров Р. Халқ кўшиқлари композицияси. – Т.: Фан, 2006.
7. Қабдолов З. Жебе. – Алматы: Жазушы, 1977.
8. Литературная энциклопедия. – М.: Интелвак, 2001.
9. Раҳманова М.С. Абдулла Орипов шеърятда бадий бутунлик: Филол. фан. ном. автореферати. – Тошкент, 1998.
10. Целкова Л.Н. Сюжет и композиция // Введение в литературоведение. – М.: ОНИКС, 2005.
11. Холшевников В.Е. Анализ композиции лирического стихотворения // Анализ одного стихотворения. – Л.: Изд. Ленинградского Университета, 1985.
12. Тлеуниязова Г.Б. (2023). БАДИЙ ЯХЛИТЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЖОДКОР МАҲОРАТИ. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 2(13), 40–44. извлечено от <https://nauchniyimpuls.ru/index.php/noiv/article/view/11448>
13. Tleuniyazova, G. B. (2022). Poetic repetitions in the poet creation. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 11 (115), 590-592. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-11-115-41> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.11.115.41>
14. Тлеуниязова, Г. (2023). ЛИРИКАЛЫҚ ШЫҒАРМА ҚУРЫЛЫСЫНДА БАСЛАҰ БӨЛИМИНИҢ КӨРКЕМЛИК ХЫЗМЕТІ. *Вестник музыки и искусства*, 1(2), 105–109. извлечено от <https://science.uzdknf.uz/index.php/science/article/view/118>
15. Gulmira B. Tleuniyazova. THE RELATIONSHIP BETWEEN THE LITERARY TEXT AND AUTHOR'S INTENTION IN THE TITLE OF THE WORK (On the example of lyrics of Karakalpak poets) *International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE)* DOI:10.9756/INTJECSE/V14I6.87 ISSN: 1308-5581 Vol 14, Issue 06 2022.

MAZMUNÍ

MUZÍKATANÍW

1	Раджабова С.Р. СОВРЕМЕННОЕ ВОКАЛЬНОЕ ПРОИЗВЕДЕНИЕ: СОЕДИНЕНИЕ ТРАДИЦИИ И ИННОВАЦИИ В АЦИОНАЛЬНОМ МУЗЫКАЛЬНОМ ИСКУССТВЕ.....	3
2	Туйчиева Р.Х. СОНАТА ДЛЯ СКРИПКИ И ФОРТЕПИАНО ФАТТАХА НАЗАРОВА В КЛАССЕ КАМЕРНОГО АНСАМБЛЯ.....	12
3	Muxamedjanova Z. YOSH KOMPOZITORLAR IJODIDA KAMER-CHOLG‘U ASARLARINING IJROCHILIK TALQINI.....	17
4	Ражабова Н.Ф. ЛАДЫ НАРОДНОЙ МУЗЫКИ В КУРСЕ СОЛЬФЕДЖИО.....	26
5	Saidxonov A.S. IOGAN SEBASTYAN BAX OHANGLARDAN TARALAYOTGAN HAYOT.....	31
6	Muxamedjanova Z. B.TURSUNBOYEVNING FORTEPIANO UCHUN “SAVTI KALON SOQIYNOMASI” MAVZUSIGA VARIATSIYASI TAHLILI VA TALQIN MASALASI.....	36
7	Чаршемов Ж.А. ОРКЕСТР УЧУН КОНЦЕРТ ЖАНРИ ТАРИХИ.....	44
8	Kamalova G.M. JAMIL CHARHEMOVTIŇ “POPURRI” SHÍGARMASINIŇ ÓZGESHELIGI.....	52
9	Allaniyazov B.Q. «MUXAMMES» JANRINIŇ TEORIYALÍQ HÁM ÁMELIY MASHQALALARI.....	58
10	Мухамедзянов К.Т. О ВОКАЛЬНОМ ЦИКЛЕ «РУБАЯТ» НОДИРА МАХАРОВА НА СЛОВА АЛИШЕРА НАВОИ.....	64

KÓRKEM ÓNER

11	Allanbaev R.O. MUZÍKALÍ SHÍGARMALARDIŇ QARAQALPAQ TEATRÍNDÁ TUTQAN ORNI.....	69
12	Djumaniyazov U.M. XALQ CHOLG‘ULARI ORKESTRIDA RUBOB PRIMANING O‘RNI.....	76
13	Áliev N.Ġ. QARAQALPAQ MUZIKA MÁDENIYATINDA DEMLI ÁSBAPLAR.....	81
14	Kamalova G., Dauletbaeva G. DUWTAR SAZ ÁSBABÍN ZAMANAGÓYLESTIRIWDIŇ ÁHMIYETI.....	89
15	Karimova N. O‘ZBEKISTONDA O‘TKAZILAYOTGAN XALQARO TIVALLARNING MADANIY ALOQALARDAGI ROLI (Xalqaro asal ivali misolida).....	95
16	Ризаев О. ТЕАТР ВА ЗАМОҲ.....	105
17	Shukurov A. MILLIY O‘ZLIKNI ANGLASHDA MILLIY MADANIYATNING AHAMIYATI.....	111

18	Хожаназаров Т. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ОПЕРА САНЪАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.....	117
19	Мамадалиев А. ЎЗБЕК МАДАНИЙ МУСИҚА ИЖРОЧИЛИГИДА ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ АНСАМБЛЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ (чангчилар ансамблида Ф.Содиқовнинг “Ҳумор” асари мисолида)..	122
20	Назаров О. МИЛЛИЙ ЧОЛҒУЛАРДА ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МУТАХАССИСЛИК ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ (Абдувоҳид Мажидов фаолияти мисолида).....	129
21	Юлдашева М.Б. РОЛЬ МЕЖКУЛЬТУРНОГО ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ И КУЛЬТУРНОЙ ДИПЛОМАТИИ В ПРОДВИЖЕНИИ КУЛЬТУРЫ УЗБЕКИСТАНА.....	135

MUZÍKA PEDAGOGIKASÍ

22	Gulmanov I.Sh. DÁP ÁSBABÍN OQÍTÍW METODIKASÍ TARIYXÍ..	143
23	Iseev R. FORTEPIANO SABAGÍNDÁ SES GOZALLÍGÍ ÚSTINDE ISLEW PROCESI.....	154
24	Yusupaliyeva D.K. YANGI O‘ZBEKISTON YOSHLARI TARBIYASIDA MILLIY QADRIYAT: MONIYAT VA MAZMUN....	160
25	Азимов Б. ИЛМ ВА ТАЖРИБАДАГИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ (Васильев Феоктист Никифорович ижоди мисолида).....	168
26	Казакбаева М. РОЛЬ И РАЗВИТИИ ЦИФРОВЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ В МУЗЫКАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ.....	175
27	Умарова В. РАБОТА НАД ПОЛИФОНИЧЕСКИМИ ПРОИЗВЕДЕНИЯМИ В КЛАССЕ «СПЕЦИАЛЬНОЕ ФОРТЕПИАНО».....	180

JÁMIYETLIK-GUMANITAR PÁNLER

28	Тлеуниязова Г.Б. ЗАМОНАВИЙ ҚОРАҚАЛПОҚ ЛИРИКАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИДА ШЕЪР КОМПОЗИЦИЯСИ.....	186
29	Бекбергенова А.У. ПИСЬМЕННЫЙ ПАМЯТНИК «КИТАБИ ДЕДЕМ КОРКУТ» И ДАСТАН «ЕР ЗИЙУАР».....	196
30	Бекбергенова А.У. ҚАРАҚАЛПАҚ ОЧЕРКЛЕРИНИҢ РАЎАЖЛАНЫЎ ТЕНДЕНЦИЯЛАРЫ (1991-2000-жыллар).....	202

MUZÍKA HÁM KÓRKEM ÓNER
XABARSHÍSÍ
Ilimiy-metodikaliq jurnal

“STATION X” baspası
Nókis-2024